Вспомним героев: генерал Собир Рахимов (посмертно удостоен), наманганцы: Абдусаттор Рахимов, Соли Адашев, Набижон Мингбаев и др. Их именами названы улицы, кинотеатры в Намангане.

Тема войны глубоко затронула и узбекских писателей и поэтов. Она звучит в романе Шухрата «Годы в шинели», в романе Ойбека «Небосклон», в произведениях Саид Ахмада, а также в стихах Максуда Шайхзоды «Мать провожает», «Капитан Гастелло», в стихах Зульфун, Эркина Вохидова, Хамида Олимжана, Султана Журы, Гафура Гуляма. Очень много экранизаций.

*Ты не сирота!  
Разве ты сирота?  
Успокойся, родной!  
Словно доброе солнце,  
Склоняясь над тобой,  
Материнской, глубокой любовью полна,  
Бережёт твоё детство  
Большая страна  
Здесь ты дома, Здесь я стерегу твой покой  
Спи, кусочек души моей,  
Маленький мой  
День великой войны,  
Это - выдержки день.  
Если жив твой отец,-  
Пусть смятения тень  
Не коснётся его  
Средь грозы и огня.  
Пусть он знает:  
Растёт его сын у меня:  
Если умер отец твой,-  
Крепись, не горюй  
Спи, мой мальчик,  
Ягнёнок мой белый, усни  
Я – отец,*

*Я, что хочешь, тебе подарю,  
Стонут счастьем моим  
Все заботы твои  
... Спи спокойно, мой сын...  
В нашем доме большом  
Скоро утро придёт,  
И опять за окном  
Зацветут золотые тюльпаны зарниц.*  
(Гафур Гулям)

Действительно, нам не забыть ужасов войны, которая никогда не сотрётся с памяти людей. В каждой области нашей республики установлен монумент Скорбящей матери, гранитная плита, где высечены имена и фамилии погибших на войне. Вечная память солдатам. Никто не забыт ничто не забыто. Мы никогда не забудем ужасов войны!

Используя тему войны на уроках, мы воспитываем в учащихся чувство патриотизма, верности долгу перед родиной. Можно также использовать тему войны на вечерах, открытых уроках, инсценировать, приводя массу примеров,

## **КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

*Бўстонов А., НВПКҚТМОИ к. ўқитувчиси; Исломова Д.,  
НамДУ ўқитувчиси*

Биз шундай бир даврда яшамокдамизки, дунёда содир бўлаётган глобаллашув ва интеграция жараёнлари, фан ва технология янгиликлари ҳамда ютуқларининг тез суръатлар билан ривожланиб бориши ходимларнинг шахсий-хаётий, касбий-профессионал компетентлигини тобора мураккаблаштирмакда.

Ҳозирги даврда компетентли бўлишнинг мураккаблиги қуйидагилар билан изоҳланади:

Биринчи - XXI аср ходими олдинги даврлардагига нисбатан универсалроқ бўлиши, яъни билим ва малакаларни эгаллашда, улардан ҳаётда фойдаланишда серқирра бўлиши талаб этилади.

Иккинчи – ҳозирги давр кинесин ўзгарувчан ижтимоий ва касбий муҳитга тайёр туриши, тез мослашиши зарур.

Учинчи - касбий билим кўникма ва малакалар, яъни профессионализм моҳиятан тез шакланмайдиган жараён, бунинг учун маълум вақт керак бўлади.

Илмий манбаларда компетенция, компетентлилик тушунчаларига таърифлар берилган. Компетенция бу – ҳар ким ўз-ўзини такомиллаштириши, ижтимоий фаол позицияда бўлиши, ҳаётда ўз ўрнини (ишини) топа олиши ва бундан қониқиши учун зарур бўлган билим, иқтидор ва установкалар йиғиндисиدير. (Еврокомиссиянинг таълим ва маданият бўйича директорати ишчи гуруҳи маърузасидан). Компетенция – билим ва реал ҳолатни бир –бири билан боғлай олиш имконияти, муаммоларни ҳал қилиш учун билимларни эҳтиёж ва мақсадга мувофиқ қўллай олишдир. (С. Шишов, В. Кальней). Компетенция бу - шахснинг малакаси ва қобилиятини ҳаётини фаолиятида намоён қила олишини белгилловчи билим кўникма ва малакалари, фазилатлари ва қадриятларидир. Компетенция – у ёки бу вазиятни, ҳолатни ўзгартириш ва ҳал қилиш бўйича мақсад қўйиш ва мақсадга эришиш имконини берувчи билим, кўникма ва малакалар уйғулигидир.

“Компетенция” – лотинча “competens-competentis” сўздан олинган бўлиб, ўзбек тилида лаёқат, қобилият деган маънони билдиради. Компетентлилик, компетенцияли бўлиш амалдаги меъёр ва талабларга мос тарзда ишлай олишга лаёқатли бўлиш, яъни нафақат маълум даражадаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш, балки уларни ҳаётда қўллай олиш демақдир. Бошқача қилиб айтганда компетентлилик- мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, қўйилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган жисмоний ва интеллектуал малакаларнинг эгалланганлигидир.

Компетентлилик моҳиятан қодирлик, тайёрлик, ўзига ишонч, масъулиятни зиммасига олишни ўзида ифода этади. Шунингдек, укувлилик, муваффақият, натижаллик тушунчалари ҳам компетентлиликнинг элементларидир.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда “компетенция”, “компетентлилик” тушунчаларини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- шахснинг профессионал фаолиятини таъминловчи билим, кўникма ва малакалар ҳамда тажрибалар яхлитлиги;
- эгалланган билим, кўникма ва малакаларни, орттирилган тажрибаларни амалда қўлланиши;
- шахснинг уқуви, мақсадга эришишни, натижадорликни таъминловчи хислатлари, фазилатлари;
- амалий фаолиятга, турли ҳолатларга тайёрлик даражаси;
- қўйилган мақсадга эришиш, муаммоларни ҳал этиш, зарур натижани қўлга киритиш лаёқати;
- шахснинг мақсадли йўналтирилган эмоционал ирода кучи.

Компетентлилик ҳақида гапирганда, у касбий, психологик, шахсий ва ижтимоий мазмун касб этишини айтиб ўтиш жоиз. Бу мазмуний-таркибий тузилиш ҳар доим бир-бири билан боғлиқ, яхлит ҳолда амал қилади.

Касбий (профессионал). Ҳар қандай шахс муайян бир соҳада касбий фаолият билан шуғулланади. Унинг касбий билим, кўникма ва малакаларни ва тажрибаларни амалда қўллай олишига қараб профессионал компетентлилик даражаси белгиланади. Ёки, ҳалқимиз тили билан айтганда, ўз ишининг устаси эканлиги баҳоланади.

Психологик - инсоннинг соғлиги, кайфияти, хотираси, эмоционал ирода кучи каби руҳий-психологик омиллар албатта унинг фаолиятига таъсир қилади. Демак, барча турдаги компетенцияларнинг шаклланиши, уларни амалда намоён қила олиш шахс (индивид)нинг руҳий-психологик ҳолати билан боғлиқ.

Шахсий – киши компетентлилигида унинг хотираси, иқтидори, иродаси, мослашувчанлиги, эмоциялари ва бошқа хислатлари муҳим роль ўйнайди. Хуллас, ҳар бир киши ўзига хос фазилатларга эга алоҳида шахс. Унинг ҳаётий ва касбий фаолиятида шахс сифатидаги барча хислатлари кўзга ташланади.

Ижтимоий – ҳар бир кишининг ҳаётий (касбий) кўникма ва малакалари, тажриба ва установакалари албатта қайсибир ижтимоий муҳитда шаклланади, ривожланади ва шу муҳитда намоён бўлади. Шахс ҳаёти ва фаолиятида у яшаётган жамиятдаги мавжуд нормалар, анъана ва қадриятлар муҳим роль ўйнайди. Шундай экан, компетенциялар муқаррар равишда ижтимоийлашади.

Юқоридаги тариф ва ихсоҳлардан кўринадики, компетентлик тушунчаси мазмуни, шахс фаолияти ва жамият ҳаётининг турли соҳаларини қамраб олишига кўра серқиррра тушунча. Бу ҳолат компетентликка баҳо беришни, унинг мезон ва талабларини ишлаб чиқиш ва тартибга солишни бир мунча мураккаблаштиради.

## XXI аср компетенциялари

1. Онгли ва мустақил фаолият. Ўз ҳаётий мўлжаллари бўлиши, имкониятлардан оқилона фойдаланиш, мақсад қўйиш, ҳаётий стратегия.

2. Ташаббускорлик ва ўзининг ҳатти-ҳаракатлари учун масъуллиқ.

3. Билим олишни давом эттиришга тайёрлик, эгалланган малакаларни такомиллаштириб бориш.

4. Танқидий фикрлаш ва муаммоларни ҳал қилиш учун изланиш.

5. Ўзаро муносабатлар ва ҳамкорликка асосланган келишувчанлик ҳамда бир-бирини тушиниш руҳияти.

6. Бошқаришни билиш, фикрлар ва гоёлар алмашувига интилиш, ўз гоёларини ижодий тарзда рўёбга чиқариш.

7. Умумий саводлиқ, юқори савия.

8. Ахборот ва коммуникатив малакалар.

Ўқувчиларда компетенцияларни шакллантириш босқичлари

Ўқувчиларда компетенцияларни шакллантириш маълум вақт давомида босқичма-босқич, изчил ва муттасил амалга ошириладиган таълимий-тарбиявий жараёндир. Компетенцияларнинг шаклланиши куйидаги босқичларни - билиш-ўрганиш, тушуниш-англаш, анализ (таҳлил) ва синтез қилиш, қўллаш олиш, баҳолаш ва хулоса чиқариш босқичларини ўз ичига олади.

- билиш, ўрганиш – дарс мавзуси материални ўрганиб, билиб олиш, хотирада сақлаб қолиш, эркин тарзда қайта айтиб бера олишни;

- тушуниш-англаш - билиш, ўрганиш компетенциясидан кейинги босқич сифатида ўрганилган материални тушуниш, моҳиятини идрок этиш (англаш) ва тушунганликни намойиш қилиш, бир даврдан (шаклдан) бошқа даврга (шаклга) кўчира олиш, баҳс-мунозаларда иштирок эта олиш, ўз фикр қарашларини олган билимлари асосида ҳимоя қила олишни;



- анализ (таҳлил) ва синтез қилиш – маълумотларни турли хил манбалардан тўплаш, тартибга солиш, қиёслаш, таҳлил қилишни. Бир бутун материални таркибий қисмларга ажратиш, хусусий натижалар ва хулосаларни умумлаштиришни. Маълумотлар ўртасидаги муносабатларни аниқлаб, таҳлил ва хулосалар қила олишни. Тузумлар, воқеа – ходисалар, вазиятлар ўртасидаги боғлиқликни англашни;

- қўллай олиш – ўрганилган билим ва тушунчаларни ҳаётда, муаммоли вазиятларда самарали қўллай олишни. Жамоада бошқалар билан биргаликда ишлай олиш ва шахс сифатида ўз қобилиятларини намоён этишни. Турли хил масъулиятлар ва қарорларни қабул қила олишни;

- баҳолаш ва хулоса чиқариш – жараёнлар, воқеа-ходисалар, вазиятларни маълум ички ва ташқи мезонлар асосида, аввало орттирилган компетенциялар асосида баҳолаш, сабаб ва оқибатларни ўрганиш, у ёки бу ҳолатга танқидий баҳо бера олиш, натижаларни таҳлил қилиш ва хулосалар чиқаришни ўз ичига олиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг юқоридаги барча босқичлари бирдек даражада аҳамиятлидир, уларнинг бирини иккинчисидан муҳимроқ деб қараш тўғри эмас. Яъни билиш ўрганиш босқичини эгалламай туриб, тушуниш, англаш босқичига ўтиб бўлмайди. Ёки тушуниб, англаб олмай туриб, анализ-синтез қилиб бўлмайди ва ҳаказо.

## МЕТАФОРА САНЪАТИ ҲАҚИДА МОНОГРАФИЯ

*Носиров К., НамДУ доценти, Халқаро Пушкин танлови голиби*

Маълумки, шеърни санъат даражасига кўтарадиган асосий унсурлардан бири – бу мажоз, аниқроғи, мажознинг муҳим тури бўлмиш метафора. Бошқа поэтик санъатлар қатори бадиий сўзнинг жозибадорлигини оширишга хизмат қилувчи ушбу восита айни пайтда муаллифнинг ички кечинмаларини, асар ғоясини ёрқин, таъсирчан этиб кўрсатишда бошқа ифода воситаларига нисбатан бекиёс аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилади. Бинобарин, у ёки бу адибнинг маҳорат даражаси асарда мана шу имкониятдан қай

даражда умуми фойдалана билгани, қолаверса, мазкур санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси билан белгиланадиги, тадқиқотчилар шеърини асар таҳлилида бунга кўпроқ эътибор қаратишади. Қолаверса, фанда ҳам мазкур масалани назарий жиҳатдан ўрганиш, бадиий амалиётдаги тажрибани умумлаштириш учун объект сифатида ўша поэтик санъат ёрқин намоён бўлган ижод намуналаридан танланади. Мана шу нуқтаи назардан адабиётшунос олим Обиджон Каримов танлаган тадқиқот объекти ва бунинг натижаси ўлароқ “Абдулла Орипов шеъриятида метафорик образ” номли мазмуни-ю салмоғи билан эътиборли монография вужудга келганлиги (Тошкент, “Академнашр”, 2014) тасодифий ҳол эмас.

Атоқли адабиётшунос академик Бахтиёр Назаров ўзининг кириш мақоласида монографияга юқори баҳо бериб, “китобда охори тўқилмаган чиройли илмий-назарий изланишлар, хулосалар” оз эмаслигини таъкидлайди. (6)

Монографияда метафора тушунчасининг адабиёт илмида пайдо бўлиши ва унинг ўрганилиш тарихига алоҳида ўрин ажратилган ва атрофлича ёритилган. Эътиборли жойи шундаки, тадқиқотчи Фарб поэтикасида Аристотелдан бошлаб бизнинг замонга қадар ушбу тушунчани ўрганилиш тарихини кўплаб мисолларда шарҳлаб бериш билан бирга XI асрдан эътиборан Шарқ мумтоз адабиётшунослигида ҳам метафорага эгиз тушунча – *“истиора талқини шунга ўхшаш йўлни босиб ўтган”* лигини ёрқин кўрсатиб бера олган, энг муҳими эса: бу борада Мағрибу Машриқ илми бадиъсидаги муштаракликка алоҳида эътибор берган; турли таърифларни чоғиштирилиши натижасида ўқувчи кўз ўнгида метафоранинг мумтоз талқини аста-секин гавдалана бошлайди. Бундан жаҳоннинг буюк алломалари азалдан метафорани бадиий тафаккурнинг қудратли механизми эканлигини, айниқса, поэзияда унинг ўрни беназир эканлиги эътироф этиб келишлари кўзга ташланади. Адабиёт, хусусан поэзия ҳаётни гидрок этишнинг муҳим воситаси эканлигини эътироф этилиши билан бирга, метафора унинг бу борадаги асосий қуролларидан ҳисобланиши таъкидланади.

Айтиш лозимки, гарчанд муаллиф монографияда Абдулла Орипов ижодига 2-3 боблар бағишланган бўлса-да, биринчи, масалани ўрганиш тарихига бағишланган бобни ҳам атоқли шоиримиз ижодидан олган мисоллар билан яқунлайди. Чунончи,

шоирнинг бетакрор мисралари асосида метафора, метафорик тасвирлаш ҳам шоир учун, ҳам шеърхон учун бирдек аҳамиятли эканлигини, метафорасиз “шоир учун ифода имконлари, шеърхон учун эса тасаввур имконлари чеклиниб” (34) қолишини кўрсатиб беради.

Метафорага нисбатан асрлар давомида фалсафа, эстетика, санъатшунослик, лингвистика, адабиётшунослик фанларида вужудга келган ва даврлар ўтиб сайқал топган илмий қарашларни мухтасар умумлаштириб олгач, О. Каримов А. Орипов шеърятини таҳлил қилишга киришади ва монографиянинг икки асосий бобларида шоир метафораларининг манбаи, таснифи ва тавсифига батафсил тўхталади. Ёрқин мисоллар асосида шоир метафораларининг манбаси ҳақида фикр юритар экан, “она табиат, жамият (ижтимоий жараёнлар – К.Н.), миллий адабий анъаналар” и билан бирга жаҳон адабиёти дурдоналарининг таъсирини ҳам кўздан қочирмайди. Шу билан бирга, метафора яратишда ҳаётга ориповча ўткир нигоҳ, чуқур идрок, тафаккур хусусияти, борлиқдан таъсирланиш иқтидори ва ўзига хослигига алоҳида эътибор беради. Маълумки, бадиий образ, образлилик, бир томондан, воқеликка боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ижодкор шахси, унинг табиати, руҳий ҳолати ва поэтик маҳорати билан белгиланади. Чунончи, метафора яратишда борлиқдаги минглаб оддий кўзлар кўрмаган ўхшашликни (зеро, аксар ҳолларда метафора ўхшашлик замирида яратилади) илғай билиш керак. Мана шу тушунчадан келиб чиқиб, монография муаллифи метафоранинг манбаси тўғрисида хулоса қилади: “Ўхшашлик воқеликда мавжуд бўлса, уни кўра олиш ижодкор шахси билан боғлиқ, яхши метафора эса шу иккисининг бирлигида яратилади” (42). Бошқа бир ўринда тадқиқотчи, гўё ўзи билан ўзи баҳслашиб, шоир борлиқдан метафора қидирмайди, “балки метафора яратиш учун асос – ўхшашликлар қидиради” деб таъкидлайди.

Ҳар қандай санъат образ яртиш учун “рангни” табиатдан олади. Шу боис ҳам табиатни чуқур ҳис эта билиш жуда-жуда муҳим. Шуни назарда тутган О. Каримов Абдулла Ориповнинг ёшлиқда битган “Куз ҳаёллари”, “Юлдузлар”, “Баҳор”, “Сен баҳорни соғинмадингми?” каби шеърларини таҳлил қилар экан, метафорик тафаккур, метафорик фикрлаш қобилияти шоирда эрта намоён бўлганлигини кўрсатади. айни пайтда, ўринли равишда таъкидлайди: “Мурғак

қалбнинг табиат билан яккама-якка мулоқоти худо берган истеъдодни камол топтирган, сапхаткорона ингоҳ ва дидни чархлаган, кузатувчанлик, таъсирлана олиш, ҳиссий мушоҳада қилишга қобилият каби муҳим сифатларни ривожлантирган” (44).

Монографияда қуйидаги фикр айниқса ўринли, гарчанд у янги гап бўлмаса-да: “... Шоир учун метафора шунчаки чиройли ифода бўлмай,.. энг аввал, муайян мазмун-кайфиятни ифодалаш воситасидир ” (50). Ушбу фикр ўринли деганимиз боиси, шубҳасиз, унга мисол сифатида таклиф этилган “Баҳор” шеърининг нозик дид билан амалга оширилган таҳлили бўлади. Унда баҳор чоғи қабристон тасвирига бағишланган шеърдаги метафора функцияси ҳақида О. Каримов асосли равишда ёзади: “Шоирнинг маҳорати шундаки, у баҳорга, умуман, одамга хос хусусиятни эмас, балки айнан қабристон зиёратига келган одамга хос хусусиятни беради.” (51) Ушбу таҳлилга, ундан чиқарилган хулосага алоҳида эътиборимизни яна бир тортишимизнинг боиси шундаки, назаримда, О. Каримов мазкур шеърдаги метадораларнинг асл, ориповча, маъносини топа олган. Бу эса кам учрайдиган омад, зеро метафора, умуман лирик шеър доимо кўпмаънолидир; муболағасиз айтиш мумкинки, шеър муаллифининг фикр-кайфиятига етиш учун бу ўринда табиатни ориповча ҳис эта олиш қобилиятига эга бўлмоқ зарур. “Нутқ”, “Ўзбекистонда куз” шеърларининг таҳлили ҳақида ҳам шундай фикрни билдириш мумкин.

Метафора – бу буюк ҳодиса; шеъриятнинг ўзи бир яхлит метафора. Шу боис эътироф этиш лозим, тақризланаётган монографияда қисман бўлса-да А. Орипов шеъриятининг ривожланиш поғоналари, эволюцияси ақс этган. “Агар шоир ижодининг илк босқичида ички олами билан ташқи олам (табиат) орасидаги ўхшашликларга таянган бўлса, ҳаётга чуқурроқ кириб борган сари ўхшашликлар доираси ҳам кенгайиб боради”, - деб таъкидлайди муаллиф ва шунга оид мисоллар келтиради. (53)

О. Каримов шеърий асар композициясини уюштиришда метадоранинг ролига алоҳида эътибор бериб, бунга А.Орипов ижодидан бир қатор ёрқин мисоллар келтиради: “Арслон ва инсон”, “Кўзгу парчалари”, “Эркинлик” ва б.қ.. Бу асарлар композицияси контраст қаршилантириш асосида қурилган, композицион контраст деса ҳам бўлади. Метафоранинг бу кўриниши ҳақида хулоса қилиб, А. Орипов

ижодида “ўхшатиниш эмас, балки инкор асосида яртилган метафоралар кенг қўлланилади. Адабий анъаналаримизда метафоранинг бундай кўринишлари ниҳоятда кам бўлиб, А. Орипов ўз ижодий тажрибалари билан ҳозирги шеърятимизда бундай метафораларнинг кенг қўлланишига замин ҳозирлаган ижодкорлардан биридир”, - деб таъкидлайди монография муаллифи. (114)

Тадқиқот давомида шеърда метафорага эмас, метафора-шеърга кўпроқ эътибор берилгани ҳам диққатга сазовор. “Дорбоз”, “Тилла балиқча”, “Гиёҳ”, “Булоқ” каби метафора (аллегория) шеърлари билан мустабидлик тузумининг 60-йилларида ёш А. Орипов шеърят шайдолари орасида шуҳрат қозонган эди.

Монографиянинг илмийлик даражасини эътироф этмоқ зарур. Шу билан бирга унинг муаллифи, баъзи ўринларда метафорани назарий жиҳатдан тавсифлашга шундай берилиб кетадики, гўёки тадқиқотдан мақсад метафора тушунчасининг назарий талқини эмас, балки Абдулла Орипов метафорасининг ўзига хослиги эканлигини унутгандай туюлади. Лекин мен буни асло салбий ҳолат деб кўрсатаётганим йўқ, чунки китобда асосий мавзу ҳам етарлича ёритилган. Мен бу масалага бошқа мақсадда тўхталяпман: таълим муассасаларида адабиёт назариясига оид тушунчаларни ўзлаштириш масаласи қониқарли эмаслигини назарда тутиб, ҳассос шоир ижодидан олинган намуналар асосида, метафорадай жиддий поэтик санъатни ўрганишга бағишлаб, ёшлар, чунончи ўрта махсу касб-ҳунар ҳамда олий ўқув юртлари талабалари учун ихчамроқ ўқув-услубий қўлланма ишлаб чиқилса, яхши бўларди.

Монографияда баъзи жузъий камчиликлар ҳам учраб туради ёки сўзбоши муаллифи устоз академик Б. Назаров таъбири билан айтадиган бўлсак, “айрим баҳс-мунозаралар уйғотувчи кузатувлар ҳам йўқ эмас”. Чунончи, О. Каримов ўз монографиясида метафора тарихига “керагидан ортиқ аҳамият” бериши, баъзи ҳолларда шоир метафорасидан нотўғри хулоса чиқарилганлиги кўрсатилади. Шу ўринда у киши яна қўшимча қилади: “Бу ҳол мазкур китобнинг мушоҳадаларга чорлай олиш, шууримизда янги-янги мулоҳазалар уйғота билиш хосиятидан дарак беради” (6). Биз бу фикрга тўла қўшилган ҳолда, китобда баъзан фикр такрорлари кўзга ташланаётганини кўрсатиш билан чекланамиз. Айни пайтда, айтмоқчимизки, О. Каримов монографиясидаги баъзи талқинларда кўзга ташла-

наётган зиддиятлар, бизнишча, табиий ҳолдир. Мадомики, метафора тўғрисида мунозаралар Арасту давридан буён кузатилаётган экан, бунга ким нукта қўя олиши мумкин?

Умуман олганда, ушбу илмий тадқиқот адабиётшунослик фанининг муҳим тушунчаларидан бирининг ўрганилиш даражасини, бугунги кўринишларини ёритиш билан бирга замонамизнинг ҳассос шоирларидан бири бўлмиш Абдулла Орипов поэтик маҳоратининг муҳим жиҳатларидан бирини ўрганишда жиддий қадам бўлди, деб ҳисоблашга етарли асос бор.

## НАЦИОНАЛЬНО-КУЛЬТУРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ УЗБЕКСКОЙ АУДИТОРИИ

*Казакбаева С.И., доцент НамГУ, Нигматов М.М., доцент НИЭИ*

Особое внимание после достижения независимости в Узбекистане уделяется реформированию высшего образования, определяющие новые требования к подготовке специалистов, в нашем случае учителей русского языка. В настоящее время особую важность приобретают проблемы межнационального согласия, взаимопонимание и взаимодействия, соответственно растет потребность в проведении специальных исследований этнопсихологического и этнопсихолингвистического характера. Следовательно, в свете сказанного, в преподавании русского языка в высших учебных заведениях на современном этапе ставятся следующие конкретные задачи: а) формирование глубоких знаний; б) повышение методического мастерства; в) усиление внимания к учету национально-культурных особенностей аудитории; г) создание и углубление этнокультуроведческой базы изучения неродного (русского) языка (на основе фоновых знаний).

Поскольку процесс обучения – это сложный и многогранный процесс, необходимо определить, из чего складывается национальная психология, национальный характер учащихся, чтобы полноценно использовать этнолингвистические особенности студентов в обучении их неродному языку.

Нас интересует определение специфики аудитории в целом, но, в первую очередь, необходимо остановиться на социальной стороне

структуры личности, в которую входят приобретенный человеком социальный опыт, знания, навыки, умения, привычки, склонности, интересы, идеалы, ценностные ориентации и убеждения. Социокультурная информация играет решающую роль в формировании сознания принадлежности к определенной национальности, этносу.

Национальное сознание личности особенно ярко проявляется при взаимодействии с представителями другой национальности, другими словами, проблемы национальной психологии тесно связаны с проблемой общения. Установление и поддержание контакта на межэтническом уровне значительно облегчается, когда участники коммуникативных актов знакомы с национально-культурными стандартами общения.

Чтобы студентов узбекской национальности научить стандартам общения, принятым в русской среде, необходимо сопоставить, определить похожие и различающиеся стандарты общения в родной и русской культуре, выделить наиболее типичные и потому часто используемые в речевой практике стандарты общения, адекватные реальной коммуникации, с учетом специфики указанной аудитории.

Понимание национально-психологических особенностей того или иного этноса предполагает учет принятых в данном обществе способов социализации человека. Знание процессов социализации дает возможность представить базовую структуру личности, типичной для данного народа. Нельзя не согласиться с И.С.Коном, когда он говорит, что, зная такую структуру «с большей или меньшей степенью вероятности, можно предсказать и социальное поведение этого типа» (Кон, с. 142). Восприятие того или иного факта русской культуры, проходящее через призму родной культуры учащихся, также может быть спрогнозировано.

В целом знание специфических особенностей явлений культуры определенного этноса позволяет приблизиться к пониманию его национальной психологии.

Культура – важнейшая сфера «материализации» национальной психологии, отражающая психический склад этноса, его характер. Поэтому один из важнейших способов освоения культуры – это изучение языка. В многонациональных обществах языка не функционируют обособленно друг от друга, они всегда взаимосвязаны, допол-

няют и компенсируют друг друга. Контакты языков в таких обществах приводят к контактам культур. Отражающие существующие социально-экономические условия жизни общества, языковая ситуация отражает и взаимодействие культур.

Поскольку для каждого этапа развития общества характерны особые условия языковых контактов, двуязычия и многоязычия, а также их общественные последствия, то необходимо изучать закономерности языкового взаимодействия в конкретном социально-историческом контексте, которые входят в канву национально-культурных особенностей узбекской аудитории.

Вместе с тем, необходимо учитывать наиболее важные исторические, социально-демографические и языковые факторы при описании языковой ситуации в Узбекистане.

«Одной из особенностей узбекской нации является исключительная привязанность к своей исторической территории проживания. Это сильно сконцентрированная по национально-территориальному признаку нация» (Ханазаров, с. 5).

Для шестидесяти процентов населения нашего региона родным являются языки тюркской семьи. Это значительно облегчает коммуникацию, способствует развитию таких типов двуязычия, как узбекско-туркменское, узбекско-казахское, узбекско-киргизское, узбекско-татарское и др.

Как известно, основной процент коренного населения проживает в сельской местности, вдали от промышленно-культурных центров, что также влияет на формирования монолингвов. В вузах Узбекистана основной контингент учащихся – это выпускники сельских школ, которые начинают изучать русский язык со школьных лет, испытывая при этом сильное интерферирующее влияние родного языка ввиду разнотипности русского и узбекского языков.

Узбекский язык, который принадлежит к семье тюркских языков, характеризуется сложным диалектным составом, а его говоры значительными различиями (говоры ташкентского типа, самаркандско-бухарского, ферганского, южно-хорезмского ...). Это, в свою очередь, довольно сильно влияет на формирование языковой и коммуникативной компетенции студентов в отношении родного литературного языка.



Анализируя особенности аудитории, нельзя упускать из виду, «такой важный социальный фактор как принадлежность к тому или иному диалекту или говору т.е. языковую среду (язык матери семьи населенного пункта . . .). В школах дети обучаются литературному языку, но диалектные особенности родной речи доминирует во внешкольной среде в быту, следовательно, ее влияние продолжается и в будущем поэтому избавиться полностью от диалектных особенностей трудно» (Данилова с. 21). Как известно, на базе разговорного языка узбекского народа сложился «современный» национальный узбекский язык, который объединяет представителей трех наречий: кипчакского огузского и корлукско-чигиле-уйгурского.

В отличие от русского (флективного) узбекский язык принадлежит к агглютинативным языкам. В морфологическом плане они характеризуются одновариантностью аффиксов. Словарный состав любого языка отличается от другого языка образительными средствами степенью развития терминологических систем наличием специфической для каждого народа этнографической лексики. Сопоставительный анализ лексики русского и узбекского языков был осуществлен рядом учеными.

Аксиоматично положение, что каждый, кто изучает второй язык, склонен рассматривать языковые явления с точки зрения норм своего родного языка. Поэтому для правильной разработки приемов преподавания русского языка необходим детальный учет специфических национально-культурных особенностей узбекской аудитории.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Кон И.С. К проблеме национального характера. // История и психология. –М.: Изд-во МГУ. -1997.
2. Ханазаров К.Х. Судьбы русского языка в Узбекистане. 1991.
3. Данилова Л.В. Языковые особенности русской речи узбеков. –Т.: 1990.

#### НЕМЕЦКИЕ НАРИЦАТЕЛЬНЫЕ ИМЕНА В СОПОСТАВЛЕНИИ С РУССКИМИ

*Нишанова Т., преподаватель НамГУ*

Имена способны могут многое поведать об истории языка и истории народа. Имена и их формы, восходящие к различным историческим эпохам, красноречиво отражают состояние общества

того времени: уровень его культуры, положение их посетителей в обществе, его классовую структуру.

Имена собственные – это часть истории народа. Они тесно связаны с культурой страны и обладают ярко выраженным национальным колоритом. Имена часто перестают быть именами собственными и становятся просто словами-символами, и в этом случае говорят, что имена и фамилии стали нарицательными.

Частое употребление и обыденность имен собственных приводят к переходу имен собственных в нарицательные. Личные имена, в этих случаях заменяют слова «человек», «девушка», «дочь», «женщина», «мужчина». Наиболее распространенными среди большинства диалектов Германии личное имя Hans. Наррицательное имя Hans используется для обозначения различных типов людей, часто для обозначения глупости, как и русский Иван, Ванёк.

Hans im Glück - разговорное ироническое "счастливчик", восходит к сказке братьев Гримм "Hans im Glück";

Hans Hasenfuß – разговорное «трусишка»;

Ich will Hans heißen (wenn das nicht stimmt) – разговорное «назови(те) меня дураком, провалиться мне на этом месте (если это не так)»;

Was Hänschen nicht lernt, lernt Hans nimmermehr - чего не знал Ванюша, не будет знать Иван.

Hans Ohnesorge - разговорное «беззаботный или беспечный человек»;

Имя Hans довольно популярное, поэтому про него вспоминают в таком большом количестве фразеологизмов и простых словосочетаний. Часто встречается и личное имя Otto, которое пользовалось большой популярностью из-за того, что так называли Бисмарка рейхсканцлера Германской империи в 1871-90. Имя стало нарицательным и собирательным обозначением «маленького человека».

Doller Otto – смельчак, отчаянный человек.

Schräger Otto – подозрительный человек.

Von wegen Otto – ни в коем случае! Ни за что!

Otto-Ottol – выражение высочайшей похвалы.

Имя Liese – распространенное женское имя, характерное для простонародья. Этим именем часто называли домашнюю прислугу.

Во фразеологизмах это имя имеет пренебрежительный оттенок, с каким говорят о людях низшего сословия.

**Eine dumme Liese** – глупая, дурочка.

**Eine liederliche Liese** – неряха.

**Ein vergessliches Lieschen** – о девушке, которая все забывает.

Имя Liese можно сравнить с русским именем Маша или Маруся.

**Маша-растеряша.** – о девушке, которая все забывает.

**Выглядеть, как Маруся** – глуповатая, безвкусно одетая, порой неряшливая.

Немецкие имена используются как имена нарицательные в пословицах, загадках, фразеологизмах. Переход личных имен в имена нарицательные популярны как немецкой, так, например, и русской культуре. В этом их сходство. Самые популярные имена в Германии – Мари и Александр. За Мари следуют Софи, Мария, Анна (Анне) и Лаура. При этом отмечается рост популярности Катарин. Среди мужских имен – Леон, включая варианты Лео и Леонард, Максимилиан и Пауль. Как отмечают исследователи, немецкие родители имеют слабость к именам, начинающимся с буквы «Л». Лаура, Леа, Лиза, Лена, Лара и Леони, а также мужские – Леон, Лукас и Лука. К тому же все более часто встречаются имена, заканчивающиеся на «ас» – Лукас, Йонас и Никлас. Модным считается называть детей односложно – Тим, Ян, Том и Макс. А популярность книги о приключениях школьника-волшебника Гарри Поттера способствует появлению в Германии все большего числа маленьких Гарри. Самые популярные имена мальчиков: Леон, Лукас, Лука.

Самые популярные имена девочек: Ханна, Леони, Лена. Обычай давать человеку имя так же древен, как и человеческий язык. Первое слово, которое слышит только появившийся на свет малыш – это его имя. Оно сопровождает его всю жизнь; и во многом определяя, как сложится его судьба. Еще древние мудрецы заметили, что между именем человека и его характером существует некая таинственная связь. Поэтому имена давались с особым смыслом, осторожно, тщательно обдумывая. Имя должно было охранять, защищать и придавать силы. Поэтому в Германии предпочтение отдавалось именам в честь Святых.

Можно сделать вывод, что все народы в наше время отдают предпочтение все-таки старым именам, имеющие глубокие корни, историю и глубокий смысл. Модными именами называют значительно реже. Редко можно встретить имена, обозначающих названия цветов. Прошла мода также называть детей в честь звезд эстрады и кино, героев сериалов и модных литературных героев. Люди стали более серьезно относиться к своим именам, уважая этим самым свою культуру, историю и традиции своего народа.

#### ЛИТЕРАТУРА

- 1.Справочник по грамматике немецкого языка. Н.Б.Соколова, И.Д.Молчанова. Изд-во: «Просвещение», Москва, 1989 год. Стр. 12-15.
- 2.Современный справочник «Страны мира», А.Н.Шабанова, Москва, 2005 год

### К ПРОБЛЕМЕ ПЕРЕВОДА ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ

*Косимова М., магистрантка АндГУ*

Фразеологизм является сложной междисциплинарной единицей, в форме и значении которой взаимодействуют единицы разных уровней: фонетического, словообразовательного, лексического, семантического и грамматического. Во фразеологизме сочетаются признаки словосочетания и специфические, дифференциальные признаки слова (воспроизводимость, непроницаемость, цельно-оформленность и др.). Фразеологические единицы заполняют лакуны в лексической системе языка, которая не может полностью обеспечить наименование познанных человеком (новых) сторон действительности, а в ряде случаев являются единственными обозначениями предметов, свойств, процессов, состояний, ситуаций и т.д.

Фразеологизмы, выступая в качестве средства образного отражения мира, вбирают в себя мифологические, религиозные, этические представления народов разных эпох поколений. Именно поэтому роль фразеологизмов в нашей речи очень заметна. Уместно употреблённые фразеологизмы оживляют и украшают как устную речь, так и литературно-художественные произведения.

Перевод фразеологических единиц представляет собой одну из самых сложных и интересных проблем, разрабатываемых в рамках

современной теории перевода. Трудности перевода фразеологических единиц, объясняются сложностью их семантической структуры. Фразеологизмы – это своеобразные "микротексты", вбирающие в себя разнообразную информацию об объектах реальной действительности. Они не только называют предметы реальности, но, и передают информацию о психологическом состоянии говорящего и о его эмоциональном отношении к предмету речи. Тем самым фразеологизмы способствуют реализации эмоционально-экспрессивной и аксиологической функций языка.

Тезис о принадлежности фразеологизмов к единицам перевода, разумеется, не ставит под сомнение правильность того положения, что единицами перевода могут быть единицы разных языковых уровней, а указывает лишь на то, что единица перевода не обязательно совпадает с единицей какого-либо из принятых уровней языковой иерархии. Применительно к фразеологии это означает, что ее единицы могут считаться единицами перевода вне зависимости от того, выделяется она в самостоятельный языковой уровень или не выделяется. Поэтому при переводе очень важно рассматривать каждый фразеологизм, как целостную и минимальную, подобно слову, единицу перевода.

В начале 50-х годов XX века появились первые труды, относящиеся к узбекской фразеологии. К числу таких работ можно отнести кандидатские диссертации Ш. Рахматуллаева, Я.Д. Пинхасова, М. Хусаинова, У. Турсунова.

В этот период в узбекском языкознании была проделана значительная работа по сбору и систематизации фразеологических средств узбекского языка. Ее результатом стали, в частности, однотомный узбекско-русский словарь, пятитомный русско-узбекский словарь, в которые включено большое количество фразеологических оборотов с их толкованием и стилистическими характеристиками.

В трудах, посвящённых проблемам фразеологии, фразеологические единицы узбекского языка рассматриваются по структурно-семантической классификации В.В.Виноградова, в соответствии с которой ФЕ делятся на фразеологические единства, фразеологические сращения и фразеологические сочетания.

Фразеологизмы – это знаки промежуточного яруса, которые обнаруживают соотносительность с мировидением носителей языка, что обуславливает их как внутриязыковую, так и межъязыковую идиоматичность, которая проявляется в невозможности «буквального» перевода фразеологизмов на другой язык.

Именно поэтому наиболее распространенным способом перевода ФЕ является описательный, который заключается в том, что значение ФЕ передается посредством свободных словосочетаний. Здесь существует три возможности: 1) с сохранением образа оригинала; 2) с использованием образа, отличного от оригинала; 3) с потерей образности. В то же время очевидно, что адекватным может быть только перевод ФЕ при помощи соответствующих средств фразеологии. При этом переводчик должен:

- правильно идентифицировать ФЕ и не путать ее со свободным словосочетанием во избежание буквализмов и неточностей;
- переводить, по возможности подбирая соответствующую ФЕ;
- учитывать контекст;
- подбирать ФЕ, соответствующие стилю переводимого текста;
- учитывать речевые характеристики героев (при переводе художественного текста);
- быть внимательным при переводе ФЕ, содержащих этнокультуроведческие реалии, в том числе, этнографизмы и историзмы;

Таким образом, наличие фразеологии придаёт языку живость, красочность и гибкость. ФЕ, помимо определенного понятийного значения (денотата), включает в себе богатство экспрессивно-стилистических оттенков (коннотативное значение), поэтому задачей переводчика является не только передача смысла ФЕ, но и донести до читателя её образность и экспрессивность.

#### ЛИТЕРАТУРА

1. Телия В. Н. Русская Фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М., 1996.
2. Шанский М.Н. Фразеология современного русского языка. Учебное пособие для вузов. –М., 1985.

# HEMHC-ЎЗБЕК TAPЖИМАЧИЛИГИДАГИ “COXTA ДЎCТЛАР” MYAMMOCTГA ДOИP

Coдиқoв З., ф.ф.н., НамДУ доценти

Tаржимашуносликда “алдоқчи сўзлар”, “coхта дўcтлар” деган тушунча бор. У ҳақиқатдан ҳам жуда муҳим муамолардан ҳисобланади. Ўз пайтида профессор Ғ.Саломов бундай сўзлар таржимасига ҳар қандай таржимада жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш лозимлигини таъкидлаган эдилар (1). Немис-рус таржимачилигида ана шундай сўзлар таржимаси борасида бир қатор муҳим тадқиқотлар яратилди. Бунда энг аввало болгариялик таржимашунос олимлар С.Влахов ва С.Флоринларнинг “Непереводи-мые в переводе” (2) ҳамда яқинда чоп этилган россиялик олимлар А.В.Павлова ва Н.Д.Светозароваларнинг “Трудности и возможности перевода” (3) китобларини эслаб ўтилиши лозим. Ўзбек таржимашунослигида ўтган асрнинг 80-йилларида ҳимоя қилинган бухоролик таржимашунос олим Музаффар Бозоровнинг шу муаммога бағишланган номзодлик диссертацияси ҳам муҳим аҳамиятга эгадир (4). Аммо шунга қарамай ҳали мазкур масала борасида анчагина ишлар қилиниши лозимлигини ҳам таъкидламоқчи эдик.

Алдоқчи сўзлар деб юритиладиган ушбу мураккаб калималарнинг таржима учун қийинчилик туғдирадиган жиҳатларидан биринчиси бу уларнинг бир тилдан иккинчисига айнан ўгириб бўлмаcлигида кўринади. Ўзбек-немис лексик параллеликлар сирада *Deputat* – депутат, *Dramaturg* – драматург, *Magazin* – магазин, дўкон, *Methodist* – методист шаклан бир-бирига ўхшасалар-да, мазмуни, қўлланилиш доирасига кўра бошқача вазифани бажаришлари билан ажралиб туришларини таъкидлаш мумкин. Жумладан, немис тилидаги *Deputat* сўзини “Катта немисча-русча луғат”да – 1. Натуральное вознаграждение. 2. Причитающаяся часть каби маънолари борлиги айтилади (5). *Dramaturg* эса – заведующий литературной частью театра, сотрудник литературной части (о больших театрах) деган маънолари борлиги таъкидланади (5.354). Демак, немис тилидаги ушбу сўзнинг биз қўллаб келаётган *депутат*га ҳеч қандай алоқаси йўқ экан. Худди шундай фикрни *Magazin* ва *Methodist* сўзларига нисбатан ҳам айтилиши мумкин.

Немис ва ўзбек тилларпаро таржимада шаклан айнан ўхшашлик ва маънодаги ўзига хосликлардан ташқари кўплаб паронимик ёки омонимик қаторларда англатадиган маънолари ўзаро фарқ қиладиган, турли контекстда ҳар хил маъно англатадиган калималар ва бирикмалар учраб туради. Бундай ҳолатларда ҳам “сохта дўстлар” домига илиниб қолмаслик учун таржимондан ушбу сўз ва сўз бирикмаларининг аслият тилида айнан қандай маъно-мазмун англатишини билиш талаб қилинади. Масалан, немис тилида бирор кишини севиб қолган ошиқнинг ҳолатига нисбатан *Schmetterling im Bauch haben* (қорнида капалаги бўлмоқ) дейиладиган вариант бор. Аммо бунга айнан ўзбек тилига ўгириб бўлмайди. Чунки ўзбекларда қорнида капалак сақлаб юрувчилик одати, анъанаси ёки шунга ўхшаш бир нарсани учратилмайди. Бундай ҳолатларда *юрагидан уриб қолмоқ*, *юраги гурс-гурс урмоқ* каби вариантлар ишлатилади.

Айни пайтда немис тилида шундай исмлардан ҳам образли фикрни ифодалашда фойдаланиладики, уларни ҳам айнан, сўзма-сўз таржима қилишда муаммолар келиб чиқиши мумкин. Масалан *Pudels Kern*, *Dornroeschchenschlaf*, *Gretchenfrage*, *Rumpelschlitze* кабиларни келтириш мумкин. Испан адабиёти қаҳрамони Дон Кихот нафақат испан адабиёти, балки бутун жаҳон адабиётида кенг тарқалганлиги ва у образли фикрларни ифодалашда турли халқларда фаол фойдаланилаётганлиги сир эмас. Ушбу образларнинг пайдо бўлиши ва жаҳон адабиётида кенг тарқалишида қуйидаги омиллар муҳим рол ўйнаганлигини таъкидлаш лозим.

- 1) Фолклор адабиётининг турли қаҳрамонларининг аста-секин ёзма адабиётга ва ундан таржима адабиётига ўтиб бориши;
- 2) Адабиётнинг ҳар бир халқ ҳаётида ижтимоий аҳамият касб этиши.

Таниқли рус шоири Евтушенко 19-аср рус адабиёти тарихи тўғрисида, унинг умумжаҳон сахнасида ўйнаган ролининг буюклигини таъкидлаб, ўша даврнинг рус шоирлари, нафақат шоир, балки ундан ҳам ортиқ эдилар, - деган эди. Аммо шунга қарамай, собиқ иттиқоф давридаги рус адабиётида синфийлик тамойили мавжуд бўлган бўлиб, у муаллифнинг ижод эркинлигини бўғиб қўярди. Ҳар бир нарсага синфийлик нуқтаи назаридан қараш мажбурий тамойилга айланганди. Фикр қашшоқлиги, тоталитаризм авж олганди.



Ўша пайтда халқчил асарлар, асосан, тараққий этган Ғарб мамлакатларидагина кенг китобхонлар оммасига тарқалиши мумкин эди. Шу сабабдан Европада адабиёт ҳар бир соҳага тарқалиб улгурганлиги боис, мактаб ва олий ўқув юртларидаги ҳар қандай ижтимоий фан соҳаларида бадиий асарлар ва улар тўғрисидаги қарашлар тарқаб кетди. Адабиётнинг оммавийлиги ҳар жабҳада ўзини кўрсата олди. Натижада, Ғарб мамлакатларида алоҳида *адабиёт* дарси деган тушунча нисбий характер касб эта бошлади. Агар собиқ иттифоқ мактабларида матнларни, шеърларни ёд олиш талаб даражасига кўтарилган бўлса, Германия мактабларида бундай куруқ ёдлатиш шахснинг камол топишига тўсқинлик қилиши мумкинлиги исботланди. Шу сабабдан ўқувчилардан кўпроқ асар тўғрисидаги шахсий фикрини сўраш урфга айлана борди. Киномотогрфияда ҳам худди шундай ҳолат ҳукм сурди

Натижада адабий асарларнинг қаҳрамонлари ҳаётнинг турли жабҳаларига кириб бора бошладилар. Жумладан ўша даврда немис адабиётида қаҳрамон образга айланган Эльза исмли қиз тўғрисида “*die kluge Else*” (ақлли қиз Эльза) қанотли сўз пайдо бўлди. Айтиш керакки, бундай ҳолатдаги хос бирикмани бир тилдан бошқасига таржима қилиш муайян қийинчиликлар туғдириши табиий. Чунки Эльза ақлли бўлса, немислар учун ақлли, у аини пайтда ўзбекларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаслиги мумкин. Худди шунга муайян равишда русларда ҳам умная *Маша* пайдо бўлганлигини таъкидлаш лозим. Рус тили ва адабиётининг тараққиётида улкан рол ўйнаган буюк рус адиби Александр Пушкин номини билмаган кимса бўлмаса керак. Унинг бундай буюклиги руслардаги донишмандлик тимсолига айланганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Русларда “*если ты это не знаешь, кто будет знать, Пушкин что-ли?*” деган гап бор. Ўрни билан таъкидлаш керакки, русийзабон ва рус тили муҳити мунтазам сақланадиган ҳудудларда ушбу атамани аини ҳолда тушунилиши мумкин. Аммо кенг маънода олиб қараганда буни “*агар буни сен билмасанг, ким билиши керак, Пушкинми?*” деб таржима қилинадиган бўлса, тушунмовчилик келиб чиқиши турган гап. Буни бизнингча, ўзбекларда қариндош уруғчилик кенг тарқалганлигини ҳисобга олган ҳолда ана шундай ҳолатлар бўлиб қоладиган бўлса, “*Агар буни сен*

биамасан, ким билди, катини холангми?" вариантдан фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Демак, таржимада Пушкинни айнан ўтириб, "алдоқчи дўстлар" домига тушиб қолмаслик лозим. Бир сўз билан айтганда, келажакда ушбу муаммо мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилиши керак. Бунда даставвал "Немисча-ўзбекча "алдоқчи сўзлар" луғати" яратиш муҳимдир.

## АДАБИЁТЛАР

1. Саломов Ф. Таржима назариясига кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978.
2. Влахов С., Флорин С. Непереводимые в переводе – Москва: Международное отношение, 1980.
3. Павлова А.В., Светозарова Н.Д. Трудности и возможности перевода. – Санкт-Петербург: 2012.
4. Бозоров М. Проблемы перевода лексических параллелизмов и ложных эквивалентов (на материале узбекского и немецкого языка). АҚД. – Ташкент: 1985.
5. Das Grosse Deutsch-Russisches Woerterbuch.–Moskau: Enzyklopedia, 1969.

## МАЪНАВИЯТИМИЗГА ҚЎШИЛАЁТГАН МУҲИМ ҲИССА

*Носиров Қ. НамДУ доценти, Халқаро Пушкин танлови лауреати*

Инсоният тарихида, хусусан, бутунги ижтимоий-маданий ҳаётимизда ҳам, таржиманинг ўрни беқиёс катта, десак ҳеч кимда шубҳа туғилмас керак. Маълумотларга қараганда жаҳон миқёсида чоп этилаётган китобларнинг учдан икки қисмини таржима китоблар ташкил этар экан. Бадиий таржиманинг тутган ўринини эса алоҳида кўрсатиш зарур; бу, албатта, ҳаётимизда бадиий адабиётнинг муҳим ижтимоий аҳамиятга эканлиги ва, айти пайтда, ҳар қандай миллий адабиёт равнақида таржиманинг муайян роли борлиги билан боғлиқ. Бунини теран англаган адиблар бадиий таржима билан изчиллик билан шуғулланишади. Уларнинг таржима учун асар танлаш мезонлари ҳам эътиборли. Масалан, XX аср рус адабиётининг йирик вакилларида Е.Евтушенко бир пайтлар, мен таржима учун ўзимдан бақувватроқ муаллифларни танлаётман: мақсад – улардан ўрганиш, деган эди. Таниқли адибимиз Тоҳир Малик Владимир Икскулнинг "Номус ва ажал" қиссасини таржима қилишдан мақсад, ўзбек адабиётида муҳаббат мавзуси етарли ишланмаганлигини ва ўз

таржимаси билан бу кемтикликни маълум даражада ёпишга ҳаракат бўлганлиги ҳақида ёзади.<sup>68</sup>

Бадий адабиёт таржимаси ҳақида гап кетганда, мамлакатимизда анча кучли таржима мактаби мавжудлигини таъкидлашади. Аммо айтиш лозим-ки, бунда, асосан, чет тиллардан (кўпроқ рус тили орқали) амалга оширилаётган таржималар назарда тутилади. Наманганда ҳам бу борада кўзга кўринарли ишлар бор. Бу ўринда биз, вилоятимиздан чиққан барча катта-кичик адиблар ижодига мурожаат қилишимиз ва эътиборли мисоллар келтиришимиз мумкин. Лекин бу катта мавзу, шу боис биз XX аср ўзбек адабиётининг фахрига айланган Усмон Носир номини тилга олиш билан кифояланамиз. Унинг таржима маҳорати ҳақида бир пайтлар ёзишган эди: “Пушкининг “Боқчасарой фонтани”, Лермонтовнинг “Демон”и Усмон Носирнинг моҳирона таржимаси орқали ўзбек адабиёти хазинасига гавҳар бўлиб қўшилди”.<sup>69</sup> Усмон Носир Фирдавсий, Ҳайне, Ҳёте, Байрон, Добролюбов, Есенин асарларидан ҳам таржима қилганлиги ҳам маълум.

Наманганлик адибларнинг яқин ўтмишдаги таржима амалиёти ҳақида гапирадиган бўлсак, мархум профессор Одилжон Носиров фаолиятини эслаймиз. У киши таниқли литва ёзувчиси Йонас Авижюснинг “Жудоликдаги йиллар” (“Потерянный кров”) романини ўзбекчалаштирди (Т., 1979); яна ўша адибнинг эртақларидан ҳам таржима қилган (“Сехрли тойчоқ”, Т. 1990). Бундан ташқари, адибнинг шахсий архивида инглиз драматурги Бернард Шоунинг “Пигмалион”, “Уоррен хонимнинг касби”, “Барбод бўлган орзулар” пьесалари, литва адиби Юозас Балтушиснинг “Юозас ҳақида қисса” асари таржималари қўлёзма ҳолича сақланмоқда. Балки бу билан маҳаллий театр ва нашриёт ходимлари қизиқиб қолар?

Қўлёзма ҳолича қолиб турган таржима асарлар ҳақида гапирарканмиз, машҳур рус шоири А. Кольцовнинг “Қўшчи қўшиғи” номли машҳур туркуми Эргашали Ортиқов томонидан алақачон юксак

<sup>68</sup> В. Искул. Номус ва жазо./Тоҳир Малик. Талваса. Роман ва қисса.–Тошкент: “Шарқ”, 2007.

<sup>69</sup> Уйғун. Ҳаёт ва шеърят ошиғи./ Усмон Носир. Танланган асарлар. Икки томлик. Биринчи том. Кириш сўзи. –Тошкент: Фафур Гулом номидаги бадий адабиёт нашриёти. 1969. 5-6 бетлар.

даражада ўзбекчалаштирилагانлиги ва пинбилармон полдир ёки бир мурувватли ҳомийни кутиб ётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Кейинги бўғин таржимоналари ҳақида гапирадиган бўлсак, биринчи навбатда Рустамжон Умматов билан Нурбек Абдуллаевларни тилга оламиз. Хусусан, Р.Умматов Жюль Верннинг “Клодиус Бомбарнак”, Бруно Травеннинг “Олтин касофати” романларини ўзбекчага ўгириб эълон қилди. Бундан ташқари, тиним билмас ижодкор кейинги пайтларда яна тўққизта роман ва бир қиссани таржима қилиб қўйди. Улар орасида “Робинзонлар мактаби”, “Музликлар исканжасида” (Жюль Верн), “Қасос ва муҳаббат” (Генри Райдер Хаггард), “Анжелика” (Анн ва Серж Галон), “Габриэль ва Диана: қонли қисмат” (Александр Дюма) каби жаҳонга машҳур асарлар бор.

Нурбек Абдуллаев чех ёзувчиси Карел Чапекнинг “Йўқолган хат”, америка ёзувчиси Жек Лондонинг “Шимол ёғдусининг қизи” номли ҳикоялар тўпламлари ва “Қотиллар ташкилоти” романини ўзбекчалаштириб чоп этди. Бу ижодкор кейинги йилларда озарбайжон ёзувчиси Чингиз Абдуллаевнинг “Жангининг йўли”, француз адиби Жюль Верннинг “Ватан байроғи” саргузашт романларини ўзбек тилига ўгирди. Тез орада “Жаҳон адабиёти хазинасидан” номли таржима ҳикоялар тўплами ҳам дунё юзини кўради. Бу китобдан Нобель мукофоти лауреати И. Бунин, Герберт Уэльс каби мумтоз ёзувчиларнинг қаламига мансуб асарлар ҳам ўрин олган. Машҳур рус адиби А. Чехов асарларидан тузилган тўпلام устида ишлар якунланмоқда.

Бадиий ижоднинг аҳамияти асарнинг ҳажми билан белгиланмаслиги маълум, жумладан, бадний таржимада ҳам шундай, чоғроқ бўлса ҳам ижтимоий аҳамиятга эга бўлганлари учраб туради. Бунга мисол тариқасида “Чистые родники” - “Шаффоф булоқлар” (Анджон, “Ҳаёт”, 2006, тўпловчи-муаллифлар: Муҳаммад Мирзо ва Жамолiddин Муслим) номли унча катта бўлмаган нашрни кўрсатиш мумкин. Китобда бир қатор таниқли рус, япон, қозоқ, татар шоирларининг асарлари М.Мирзо ва Ж. Муслим таржималарида ва ўз навбатида, бу икки шоирнинг ижод намуналари наманганлик русийзабон қаламкашлар томонидан русчага айлантириб берилган. Ушбу нашрнинг эътиборли жиҳати шундаки, бунда М.Мирзо ва Ж.

Муслим саъй-ҳаракатлари туфайли Наманган адабий жараёни тарихида биринчи маротаба бер неча миллий адабиётлар вакилларининг асарлари бир жилдада эълон қилинди. Натижада ижодий ҳамжиҳатлик, ҳамнафаслик вужудга келди.

